Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 2 No. 1 (2025) · “Raqamli iqtisodiyot sharoitida hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish va yuqori i... DOI: 10.5281/zenodo.24317981

муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-891-сонли Қонуни./ https://lex.uz/ru/docs/6718864

СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ БИР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Эшонов Муҳаммад Айюб Хошимжон ўғли,
и.ф.н., доц.
Андижон давлат техника институти

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистонда Солиқ кодексининг учинчи таҳрири кучга кирди. У амалда бўлган аввалги таҳрирлардаги Солиқ кодексидан кўра бир қатор жиддий ўзгаришларни қамраб олганлиги билан хусусиятланади.

Масалан, Солиқ кодексида белгиланган мулк ва ер солиғи ставкаларига нисбатан халқ депутатлари Кенгашлари томонидан оширувчи ёки камайтирувчи коэффициентларни қўллаш амалиёти мавжуд бўлиб, бу тажриба 2025 йилда ҳам кенгайтирилди. Ва у, СКнинг 383-моддасига асосан қатъий белгиланган миқдорлардаги солиқ ставкаларига ҳам тадбиқ этилди.

Бундай амалиётни жорий қилишдан кўзланган мақсад, маҳаллий ҳокимиятларни солиқ муносабатларидаги ўрнини ошириш ва маҳаллий бюджетлар даромадини кўпайтиришда тадбиркорликни ҳамда ҳудудий инфратузилмаларни ривожлантиришдаги фаолиятини жонлантиришдан иборат бўлиб ҳисобланади. Мазкур жараёнда маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари томонидан асосан оширувчи коэффициентларни қўлланилиши маҳаллий ҳокимиятлар фаолиятини ижобий баҳолашга асос бўлади. Нима учун?

Сабаби, оширувчи коэффициентларни амалиётда қўллаш ўз-ўзидан амалга оширилмайди. Бунинг учун, қайси ҳолатларда оширувчи коэффициентларни қўллаш керак, у нимага асосланиши керак деган саволларга жавоб бўлишини талаб этади.

Жавоб шундаки, маҳаллий ҳокимиятлар мулклар ва улар банд қилган ерларни юқори самара келтирувчи ҳудудларга айлантириши лозим. Унинг учун, инвестициялар киритиш орқали катта йўлларни очиш, гузарлар ташкил қилиш, ландшафт дизайнига катта эътибор қаратиш, ишлаб чиқаришларни жорий қилиш, коммуникация тизимларини ривожлантириш, узлуксиз электр энергия ва газ таъминотини ташкил қилиш, кечки дам олиш ва таомланишга, ҳамда аҳолини

Published: 24.05.2025
Cite this article: Эшонов Муҳаммад Айюб Хошимжон ўғли (2025). Солиққа тортиш масалаларини такомиллаштиришнинг айрим бир йўналишлари. Emro Science and Education, 2(1). https://doi.org/10.5281/zenodo.24317981
© 2025 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

жалб этувчи кўнгил очар дастурларни амалга оширишга шарт-шароитларни яратиб бермоғи керак. Ушбу жараёнда, “яшил” иқтисодиёт бугунги кун талаби эканлигидан келиб чиққан ҳолда унга устуворлик бериш муҳим масала бўлиб ҳисобланмоғи керак.

Демак, маҳаллий ҳокимиятларнинг бу хусусиятларидан келиб чиқиб айтиш керакки, оширувчи коэффициентларни солиқ амалиётига киритиш орқали, давлат ҳудудий ривожланишнинг солиқ механизмини жорий этган дейиш мумкин.

Маҳаллий ҳокимиятлар, оширувчи коэффициентлардан фойдаланиш учун ўз ҳудудларини ривожлантиришга, тараққий эттиришга ва аҳоли ҳаёт фаровонлигини оширишга интилади. Натижада, маҳаллий ҳокимиятлар давлат белгилаб берган ставкалардан кўра икки ёки уч баробар кўпроқ солиқ тушумини таъминлаши орқали ўз даромадларини оширишга муваффақ бўлади. Давлат дотациясидан чиқади. Ортиқча тушган пул маблағларини ҳудудий инфратузилмани ривожлантириш учун йўналтиришга молиявий замин яратади.

Ва яна, бу жараёнлар аҳоли учун қўшимча иш ўринларини ташкил этишга ва уларнинг даромадлилик даражасини ошишига олиб келади.

Шунингдек, ўзгаришлардан яна бири тўғрисида гапирадиган бўлсак, аввалги ягона солиқ ўрнига айланмадан олинадиган солиқ жорий этилган бўлиб, бунда солиқ тўловчилар сафи кенгайтирилди ва солиқ айланма миқдоридан келиб чиққан ҳолда ундириладиган бўлди. Унинг тўловчилари бўлиб, 1 млрд сўмгача айланмага эга бўлган юридик шахслар ва солиқ даврида ўз айланмаларини 100 млн сўмдан оширишга эришган ЯТТлар ҳисобланади.

Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги ЎРҚ-891-сонли Қонуни билан олий таълим ҳудудида пуллик хизматларни кўрсатувчи талабалар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг айланмалари ҳам 100 млн.сўмдан ортган тақдирда 2024 йил 1 апрелдан бошлаб айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар қаторига киритилди.

Демак, эътибор берганимиздек, ушбу тадбиркорлар учун айланма миқдори солиқ меъзони бўлиб ҳисобланади.

Айланманинг юқори чегаравий миқдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли Фармонига мувофиқ белгиланган.

Ушбу Фармоннинг чиққанлигига 7 йил бўлди. Шу йил мобайнида, товар (иш, хизмат)ларга бўлган нархлар ва инфляция миқдори бир неча бор ўсди. Демак, уларнинг айланмалари миқдорида харажатлар ҳам ўсди. Яъни,

харажатларнинг ўзи ҳисобига ҳам бу солиқ тўловчиларда айланма миқдори 1 миллиард сўмга етиб қолиши шак-шубҳасиз. Бу ўз навбатида, юқори чегаравий миқдоригача айланмага эга бўлганларга солиқ оғирлигини ошганлигини билдиради. Мазкур ҳолат кўпроқ кичик бизнес субъектларида кузатилади. Шунинг учун, бугунги кунда кичик бизнес субъектларини солиқлар орқали қўллаб-қувватлаш давлат солиқ сиёсатидан четда қолаётгандай туюлмоқда.

Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг кўплигини ҳисобга олиб, кичик бизнес субъектларининг ижтимоий муҳимлигини инобатга олиб, бизнинг фикримизча 1 миллиард сўмлик чегара миқдорини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун, қўшни давлатларнинг, масалан Россия Федерациясининг ижобий тажрибасини, биз солиқ сиёсатимизни ишлаб чиқишда усул ва ечимларидан фаол фойдаланаётганлигимизни ҳисобга олиш мумкин.

Россия Федерациясида, агар сўнгги 12 ой давомида жами даромад 60 миллион рубл чегарасидан ошса, бу 3 726 708 074 сўмни ташкил этади (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2025 йил 16 майдаги курси бўйича 1 Россия рубли 161 сўмга тенг), ҚҚС ва фойда солиғига мажбурий ўтиш содир бўлади.

Демак, ушбу хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, бугунги кунда айланманинг юқори чегаравий миқдорини 5 миллиард сўм қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Ушбу тартиб, кичик бизнес субъектларида солиқ оғирлигини камайишига, бандликни таъминлашга, уларни тараққий этишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади ва мамлакат ЯИМдаги улушини ошишига олиб келади.

AKSIYADORLIK JAMIYATLARIDA DAROMADLAR VA XARAJATLARNI HISOBGA OLISH.

Xolmatova Nodiraxon Quddusovna
TDIU Andijon fakulteti o’qituvchisi.
Sayfullayev Abdulahadbek Ismoil o‘g‘li
TDIU Andijon fakulteti
*MMT-70/23 guruh talabasi***.**

Annotatsiya: Ushbu tezisda bugungi kunda respublikamizda eng dolzarb muammolardan biri yirik korxonalar va aksiyadorlik jamiyatlarida xarajatlar va daromadlarning hisobini yuritish va uni nazorat